


«ОММАВИЙ МАДАНИЯТ» —
ОҒУМИ?

Республика
Советларда ўқинг

«Шунча бўлурми
хай-хай?»

Республика соҳаларда ўқинг



Ishonch

Юрт тараққиёти йўлида бирлашайлик!

2018 йил 29 май • сешанба • № 63 (4036)

Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси нашри • Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган • www.ishonch.uz • e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz



Тараққиёт одимлари


Сўнгги йилларда юртимизда барча соҳада бўлгани каби пиллачилик тармоғида ҳам кенг қўлмали ишлар амалга оширилмоқда.

ИННОВАЦИОН ПИЛЛАХОНА —

сифатли маҳсулот,
экспорт ва янги иш
ўринлари

Президент қарори билан ташкил этилган «Ўзбекипаксаноат» уюшмаси хориж тажрибаларини ўрганган ҳолда тармоққа инновацион ғоя ва технологияларни кенг жорий қилаётти. Бу нафақат ипак курти парваришlash жараёни, балки озуқа етиштириш, зарур ускуна ва жиҳозлар етказиб бериш, қайта ишлаш босқичларини ҳам тўлиқ қамраб олаётганини таъкидлаш жоиз.

Инновацион пиллахоналарда қўлга киритилган дастлабки натижалар бунга яққол мисолдир. Шу ўринда савол туғилади: инновацион пиллахонанинг қандай афзаллиги бор? «Ўзбекипаксаноат» уюшмаси раиси ўринбосари Олимжон Жумаев бу ҳақда қуйидагиларни сўзлаб берди:



2-3

27 май куни Наманган шаҳрида анъанавий гул байрами бошланди.

Барчага қувонч улашди

Яна бир янгилик шундан иборатки, байрам меҳмонлари ва мезбонлари эътиборига гул байрамнинг логотипи ҳамда мадҳияси намойиш этилди.

Байрам иштирокчиларини қутлар экан, вилоят ҳокими Х.Бозоров ушбу тадбирнинг гулсевар, гулпарвар наманганликлар ҳаётидаги ўрни бекиёс эканлигини, анъанавий байрам вилоятнинг ўзига

хос «ташриф қоғози» га айланиб, улгурганини алоҳида таъкидлади. Шундан сўнг маданий ҳордиқ оналари бошланиб кетди.

Вилоят ҳокими дастлаб вилоят қасаба уюшма ташкилотлари бир-чилар ушбу байрам учун 150 дан ортиқ турдаги 2 миллионга ноёб нави гул қўчатлари парваришлаганликларини алоҳида қайд этиш лозим. Бундан ташқари, Наман-

ган шаҳри ва туманлари, Фаргона, Андижон, Фаргона вилоятлари, Тошкент шаҳридан келган гулчи-монлар ҳозир бўлдилар.

Кези келганда, узоқ тайёргарлик натижасида наманганлик гулчилар ушбу байрам учун 150 дан ортиқ турдаги 2 миллионга ноёб нави гул қўчатлари парваришлаганликларини алоҳида қайд этиш лозим. Бундан ташқари, Наман-

ган шаҳри ва туманлари, Фаргона, Андижон, Фаргона вилоятлари, Тошкент шаҳридан келган гулчилар томонидан 3 миллиондан зиёд тувакда парваришланган гуллар кўргазмаси ва савдоси уюштирилди.

Байрам 3 июнга қадар давом этади.

Дилдора РАҲМОНОВА,
«Ishonch» мухбири



Бун сурати

Жорий йилнинг 25 – 27 май кунлари Бухорода XVII Ипак ва зирворлар халқаро фестивали бўлиб ўтди. Унда зардўзлик, заргарлик, каштачилик, кулолчилик, гиламдўзлик, атлас тўқиш, мис ва ёғоч ўймакорлиги, тасвирий ва амалий санъат йўналишлари бўйича кўплаб маҳсулотлар намойиш этилди. Фестиваль қадимий Арк қалъасидан то Лаби ҳовуз мажмуасигача бўлган қарийб бир ярим километр масофага чўзилган кўчалар ва унинг атрофидаги ҳудудларни қамраб олди.

Мулоҳаза

Тешик тоғоранинг эгаси ким?

ҳуқуқини билади, бурчини эса...

Қасаба уюшма ташкилотлари мутасаддилари билан кишлоқ аҳолисининг турмуш шароити билан танишаётган эдик. Бир тарафда пишириб оқаётган канал, бир тарафда боғу-роғлар гуллаб турган масканди ғариб бир уй эътиборимизни тортди. Суриштирсак, хонадон соҳиблари эҳтиёжманд оила сифатида рўйхатда турар экан. Оилада ишга яроқли тўрт нафар инсон ҳеч қачон ишламайди. Уйда на соғин ситир, на мол-ҳол,

на товук бор. Каттагина томорқага экин экилмаган.

— Сув ёқасида яшар экансиз. Томорқангиз ҳам бор экан. Унга чўп суксангиз, дархатга айланади, — дея гап бошлаган мутасаддининг оғзига уришди.

— Болаларингизга акл ўргатинг, неварамиз касалманд, кам таъминланганлар рўйхатидамиз, — дея шангиллаб кетди хонадон соҳибаси.

— «Қўлдан берганга қўш тўйма», дейишган.

Озгина моддий ёрдам пули билан неварангизни қандай даволатасиз? — деб сўрадик аёлдан. — Томорқангизда етиштирилган сифатли сабзавотлардан витаминли таомлар тайёрлаб берсангиз, парранда боқиб, гўштидан қайнатма шўрва пишириб ичирсангиз, неварангиз соғайиб кетармиди? Айниқса, қўй боқиб учун бу ер жулда қулай экан. Канал бўйини бир-икки айлантириб келсангиз киёф...

Гапимиз оғизда қолди.

4

Гул байрами

1960 йилдан бери ўтказиб келинаётган байрам бу гал ўзгача руҳ ила кечаётганини қузатиш мумкин. Байрамни гул билан безатилган турли русумдаги 100 дан ортиқ автоуловлар паради бошлаб берди. Наманган аэропортидан йўлга чиққан кортеж Бобур номидаги маданият ва истироҳат боғига қадар шаҳар кўчаларини тўлдириб, барчани байрамга чорлаб келди.



Ханмажон МАМЛАДОВ асос сурати

КУН НАФАСИ

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев 26 май куни Грузия миллий байрами — давлат мустақиллиги тикланган кун муносабати билан Президент Георгий Маргвелашвилини қутлади.

Президент Шавкат Мирзиёев Озарбайжон Президенти Илҳом Алиевни Республика куни билан табриклади.

Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси раиси Азиз Абдухакимов Ўзбекистон Республикаси бош вазири ўринбосарлигига тайинланди.

Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасига Бахтиёр Умаров раислик қилади. У бунга қадар Инновацион ривожланиш вазирининг биринчи ўринбосари вазифасини бажарувчи сифатида ишлаб келган.

Дилшод Ахатов Ташкил ишлар вазири ўринбосари этиб тайинланди. У айти пайтга қадар ТИВнинг Европа мамлакатлари ва НАТО билан ҳамкорлик бошқармаси бошлиғи, Германия Федератив Республикасидаги фавқуллод ва мухтор элчи лавозимларида ишлаган.

Рустам Исмагуллаев Андижон вилояти ҳокимининг кишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари — вилоят кишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси бошлиғи вазифасига тайинланди.

Навобий шаҳар ҳокимининг Иқтисодиёт ва тадбиркорлик масалалари бўйича биринчи ўринбосари лавозимига ишлаб келадиган Анвар Ражабов Зарафшон шаҳар ҳокими сифатида иш бошлади.

Шерзод Қўлатхўжаев Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети ректор этиб тайинланди.

Тошкент шаҳрида Яшнобод ва Мирзо Улугбек туманлари туташган ҳудудда Ўзбекистон тарихида илк марта 3 поғонали кўприк қурилиши бошланди.

Жанубий Кореянинг Сежон университети докторанти, кашкадарёлик ёш олим Элёржон Жумаев «The Korean Institute of Metals and Materials» таълим муассасаси томонидан олимлар ўртасида ташкил этилган конференцияда ўз кашфиёти билан ғолиб, деб топилди. У юқори легирланган янги металл қотишмани кашф этган.

АҚШнинг етакчи клиникаларидан бири Сент Луис университетининг Ортопедик жаррохлик департаменти раҳбари, машҳур жаррох — Жолдас Қўлжонов Ўзбекистонга келади. У ташрифи давомида Республика ногиронларни реабилитация қилиш ва протезлаш марказида қатор хайрия операциялари ва маслаҳатлашувлар ўтказишни режалаштирган.

Шунингдек дисплатизия бўлган ёшларда операциялар ўтказиш бўйича маърузалар ўқийди.

Ўзбекистон мусулмонлари идораси тасарруфидаги диний таълим муассасалари ҳамда илмий мактабларда жорий йил 10 июнидан бошлаб «Қуръони карим ва тажвид» бўйича пуллик ўқув курслари ўз фаолиятини бошлайди.

Жорий йилнинг 6-8 июни кунлари Россиянинг Санкт-Петербург шаҳрида «Ўзбекистон маданий мероси — халқлар ва мамлакатлар ўртасидаги мулоқотга йўл» Иккинчи Халқаро Конгресси бўлиб ўтиши режалаштирилмоқда.

Тошкент вилоятининг Қибрай туманида «Тошкент-Шарқий» аэродроми базасида фуқаролик (хизмат) авиацияси замонавий аэропорт мажмуасини қуриш лойиҳаси амалга оширилмоқда.

Тожикистоннинг 9 миллионинчи фуқароси қиз чақалоқ бўлди: қизча 26 май куни Душанбедаги 1-сонли туғуруқхонада дунёга келди. Шу муносабат билан кизчанинг ота-онасига пойтахт марказидан 3 хонали квартира тақдим қилинди.

26 май куни Ўзбекистоннинг шимоллий ҳудудларига ёмғир аралаш туз бўрони ёпирилди. Ушбу бўрон 27 май куни Хоразм вилоятининг маркази бўлган Урганч шаҳрига ҳам етиб келган.

Жанубий Корея ва КХДР етакчилари Мун Чжэ Ин ҳамда Ким Чен Ин Пхямунжонда иккинчи саммитни ўтказишди. Унда биринчи Корейлараро саммит вақтида қабул қилинган декларациянинг бажарилиши муҳокама этилди.

Қорақалпоғистоннинг Қонлиқўл туманида «Aydos Diyorbek» хусусий қорхонаси томонидан «Орол денгизи минтақаси хавоси» консервланган сувенири ишлаб чиқарилмоқда.

Сувенирни сотиб олган турист фақат консервдаги хавони эмас, балки Қорақалпоғистон ва Орол денгизи ҳудудлари ҳақидаги хотираларини ҳам ўзи билан бирга олиб кетади.

АҚШ президенти Дональд Трамп шу йил 12 июнь куни Шимоллий Корея етакчиси Ким Чен Ин билан Сингапурда учрашадиган бўлди.

«NASA» космик агентлиги Ойда ракета заводи қурмоқчи. 2019 йили агентлик Ойдаги биринчи заводни қуриш учун юк ва материалларни ташишни бошлайди.

Ердан ташқарида қуриладиган илк заводда бошқа сайёра-ларга саёхатларда асқотадиган ракета ёнилғисини ишлаб чиқариш режалаштирилган.

Интернет нашрлари ҳамда ўз мухбирларимиз хабарлари асосида тайёрланди.

1120 та хонадонга газ плитаси бу шунча хонадонга қувонч олиб кирди демакдир

Ҳаёт йўллари бир текис эмас. Ҳар қандай оилада ҳам рўзгор кемтиклиги бўй кўрсатиши мумкин. Айниқса, доимий заруратга айланган маиший жиҳозлар бўлмаса, эҳтиёжни қондиришга эса қўл қисқалик қилса, кўнгил ўксиши турган гап.

Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 12 сентябрдаги «Аҳолининг кам таъминланган қатламларини қўллаб-қувватлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори шундай паллада муҳим аҳамият касб этаётди. Бошқа ҳудудлар қатори Андижон вилоятида ҳам йил бошидан буён давлат ва жамоат ташкилотлари томонидан рўйхати шакллантирилган эҳтиёжманд хонадон соҳибларига замонавий газ плиталари босқич-

ма-босқич етказиб берилмоқда.

— Аёл кишининг рўзгори бут бўлса, ўтаётган кунидан рози бўлиб яшайди, — дейди Улуғнор туманининг «Гулистон» маҳалласида истикомат қилувчи Рисолатхон Каюмова. — Очиғи, анчадан бери замонавий газ плитасига эҳтиёжимиз бор эди. Яқинда касабга уюшмалари ва бир гуруҳ жамоатчилик вакиллари хонадонимизда бўлиб, оилавий шароитимиз, туриш-турмушимиз билан кизиқишди.

Орзуимдаги маиший техникани совға қилишганида ёш боладай қувониб кетдим. Қаранг, туманимиздан мен каби уй бекаларининг 70 нафарига ана шундай тухфа топширилди. Президентимиз халқимизни, айниқса, аёлларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб, уларга имкон қадар қулайлик яратишга эътибор бераётганидан миннатдоримиз.

Қарор доирасида кам таъминланган оилаларда яшовчи бемор инсонларнинг саломатлигини тиклаш ва даволатиш учун заруратга қараб 4 миллион сўмгача моддий ёрдам ажратилиш масаласи ҳам ўз ижросини топмоқда. Туманимнинг «Учқўприк» маҳалласида яшовчи иккинчи гуруҳ ногирони Рўзихон Жаббарова ана

шундай ғамхўрликдан баҳраманд бўлди.

— Мехнатга яроқсизлигим туфайли тиббий муолажалар олишни моддий имкониятим кўтармаётган эди, — дейди у. — Шукурки, жамоатчилик бор экан. Гап, аввало, эътиборда экан. Яхши инсонларнинг саяй-ҳаракати билан зарур дори-дармонлар етказиб берилди. Тегшли кўрикдан сўнг даволанишни бошладим.

Йилнинг шу даврига қадар вилоятдаги 1120 та хонадон вакиллари эътибор ва ғамхўрлик билан қўшаб олинди. Бу шунча оилага қувонч, иссиқ тафти, кўнгилларга ёруғлик кирди деганидир.

Нурилло НҲҲОМОНОВ,
«Ishonch» мухбири

Мамлакатимизда аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш, жамиятда ўзаро ҳамжиҳатлик, меҳр-оқибат, бағрикенглик ва хайр-саховат муҳитини янада мустаҳкамлаш борасида тизимли ишлар амалга ошириляётир.

Кўнгиллар малҳам топмоқда

Жумладан, Навоий вилоятида жорий йилда 700 та эҳтиёжманд, боқувчисини йўқотган, ногиронлиги бор оила вакилларига касабга уюшма ташкилотлари бирлашмаси томонидан газ плиталари топширилди.

— Ёмғирли кунларнинг бирида ўчоқка ўтин қалаб оқват пишираётган эдим, — дейди Гулбаҳор Довутова. — Тўсатдан республика ишчи гуруҳи ҳамда маҳалламиз фаоллари йўқлаб келиб қолишди. «Опа, биздан нима ёрдам?» деб сўраганида, хаста кўнгилда бир илиқлик пайдо бўлди. Тўғриси айтсам, отасидан эрта айрилган болаларимни боқишда қийналиб қолгандим. Орадан бироз вақт ўтиб, касабга уюшмасидан совға сифатида замонавий газ плитаси келтириб беришди.

Кам таъминланган оилаларда истикомат қилувчи 60 нафар бемор инсонга тиббий хизмат харажатларини қўшаб бериш борасидаги ишлар ҳам уюшқоқлик билан амалга ошириляётир.

— Эҳтиёжманд оиламиз. Ўзим биринчи гуруҳ ногирониман, — дейди Қонимех туманининг «Тўққизтепа» МФЙ ҳудудидаги Ҳаётбод қишлоғида яшовчи Анвар Алибоев. — 1998 йилдан буён Қонимех туман тиббиёт бирлашмаси кўп тармоқли поликлиникасида невропатолог назоратида тураман. Мунтазам равишда даволанишга мажбурман. Топганимиз дори-дармонга кетади. Натигада оилам иқтисодий томондан қийналиб қолди. Бундан сиқилиб юргандим. Республика ишчи гуруҳи мушқулларимни осон қилди. Кўп ўтмай вилоят касабга уюшма ташкилотлари бирлашмаси вакиллари томонидан соғлигимни тиклашим учун зарур бўлган дори-дармонлар жамланмаси тақдим этилди.

Меҳр-муруват ва саховатга йўғрилган бу каби эзгу ишлар қўлами тобора ортиб бораётир.

Дилафрўз ҲОЗОВА,
«Ishonch» мухбири

Ниятим — кейинги босқичларда ҳам голиб бўлиш

Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари касабга уюшмаси Марғилон шаҳар кенгаши томонидан тармоқдаги корхона ва муассасаларда фаолият юритаётган ёш мутахассислар ўртасида «Энг фаол ёш ипакчилик саноати ходими» танловининг шаҳар босқичи ўтказилди.

Унда ипакчилик соҳасини ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшаётган ҳамда илғор инновацион ғояларни илгари сурган ёш мутахассислар ўзаро беллашди.

Тақдим этилган ишланмалар ҳайрат аъзолари томонидан кўриб чиқилиб, голибликка муносиб лойиҳалар аниқланди.

Шунингдек, ипакчилик саноатини ривожлантириш, соҳага янги инновацион ғояларни жорий этиш борасида қиритилган тақлифлар ва танлов иштирокчиларининг иш жараёнига жорий этилганлиги, уларнинг касабга уюшмалари ҳаракатидаги фаоллиги, ташаббускорлиги, чет тилларни билиши каби мезонлар ҳам ҳисобга олинди.

Яқиний натижага кўра, Ўзбекистон табиий тоғлар илмий тадқиқот институти ёш мутахассиси Абдуҳаким Охунбоев биринчи ўринни қўлга киритиб, танловнинг вилоят босқичига йўлланма олди.

— Касабга уюшмалари Федерацияси томонидан ёш мутахассислар ўртасида эълон қилинган «Энг фаол ёш ипакчилик саноати ходими» танловида ўз ғоя ва ишланмаларим билан қатнашиб, голибликни қўлга киритдим, — дейди А.Охунбоев. — Лойиҳамда табиий тоғлар турини кўпайтириш ва уни жаҳон бозорига олиб чиқишни илгари сурганман. Ўйлаيمанки, ёшларнинг етук мутахассис бўлиб камол топишида мазкур танловнинг ўрни бекиёди. Ниятим — вилоят ва республика босқичида ҳам голибликни қўлга киритиш. Бу эса, табиийки, ишлаш, изланишни тақозо этади.


Иштирокчиларга шаҳар кенгашининг эсдалик совгалари ва дипломлар топширилди.

Муқаддас АБДУЛЛАЕВА,
Тармоқ касабга уюшмаси
Республика кенгашининг
Фарғона вилояти бўйича
масъул ташкилотчиси

Касабга уюшма органлари томонидан ўз фаолиятини кенг тарғиб этиш, айниқса, ёшларнинг касабга уюшмалари борасидаги билимини ошириш, ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини таъминлашга қаратилган фаолияти билан яқиндан таништириш борасида бир қанча чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.



Кўрик-танлов



Сиз касабга уюшмасини биласизми?

Жумладан, Тошкент шаҳар касабга уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши шаҳардаги касб-хунар таълими муассасалари битирувчи ўқувчилари ўртасида «Сиз касабга уюшмасини биласизми?» кўрик-танловини ўтказди.

Ушбу танловнинг яқиний босқичи Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети қишлоғидаги Шайхонтоҳур академик лицейида бўлиб ўтди. Битирувчи ўқувчиларнинг касабга уюшмаси тўғрисидаги билими, онги ва маданиятини юксалтириш, уларни Конституция ва меҳнатга оид қонун ҳужжатларига ҳурмат руҳида тарбиялаш, ёшларнинг эркин фикрлаш қобилияти ва нутқ маданиятини ўстириш, фаол фуқаролик позициясини янада мустаҳкамлаш,



мустақил ҳаётга қадам қўйишларида кўмаклашиш, уларга соғлом ва хавфсиз меҳнат шароити

ларини, ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодиса ва касб касалликларининг олдини олиш, шунингдек, жамоа шартномаси тўғрисида дастлабки тушунчаларни бериш, ёшларни касабга уюшмалари фаолиятига кенг жалб этиш ва уларни рағбатлантириш мақсадида ташкил этилган танловда Тошкент гидрометеорология касб-хунар коллежи биринчи, Тошкент банк иқтисод-кредит коллежи иккинчи, Тошкент кўриқлиш ва миялий хунармандчилик касб-хунар коллежи эса учинчи ўрин соҳиби бўлди.

Голиб ва совриндорлар эсдалик совгалари билан тақдирланди.

Нозима УМАРОВА,
«Ishonch» мухбири
Иқром ҲАСАНОВ оғлан суратлар.

41

— Инновацион пиллаҳона Хитой технологияси асосида бунёд қилинган. Пиллаҳонада ипак курти плёнка остида парваришланади. Бунинг ҳисобига барг сарфи 30 фоизгача камаяди, унинг қотиб қолиб, беҳуда йўқотилишининг олди олинади. Ушбу усулнинг яна бир қулайлиги — сунъий дасталардан фойдаланилиши. Илгари пилла ўраш учун мингбоши ва бошқа ўсимликлар, шунингдек, терак шох-шаббаларидан дасталар қўйилиши оқибатида ҳосилнинг салмоғи ва сифати йўқотилар эди. Сунъий дасталар ҳисобига эндиликда жаҳон стандартларига мос пилла олинапти.

ТЕЖАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯ ВА ЮҚОРИ ДАРОМАД

Соҳа мутахассисларининг таъкидлашича, юқори самарали пиллаҳоналарни бунёд этиш қийин эмас, ақсича иқтисодий жиҳатдан тежамлидир. Чунки қурилишда тўлиқ маҳаллий хомашёдан фойдаланилади. Деворлари хом ғиштдан тикланиб, лойсувок қилинади. Том қисми шифер ёки тўл билан ёпилади, шифтига бўз матоси тортилади. Қимматбаҳо деразалар ҳам шарт эмас. Улар ўрнига қўлбола ромлар ўрнатилиши қиёра. Натигада иморатлар жуда арзонга тушади. Муҳими, ҳудудлар табиий-иқлим шароити инобатга олинган ҳолда бунёд қилинаётган мажмуалар халқда иссиқ, ёзда салқин бўлади. Бу, ўз навбатида, энергия ресурсларини тежашда қўл келади.

Давлатимиз раҳбари яқинда Сурхондарё вилоятига ташрифи чоғида худди шундай комплекслардан бири — Термиз туманидаги «Inter Silk Pro» қўшма корхонасига қарашли пиллаҳона билан танишар экан, келгуси беш йилда пиллаҳоналарни 10 мингтага, пилла экспортини йилга 1 миллион долларга етказиш ҳақида мутасаддиларга топшириқ берди.

«Ўзбекипаксаноат» уюшмаси раиси Баҳром Шариповнинг қайд этишича, ушбу кўрсатмадан келиб чиқиб, мамлакатимизда пилла етиштиришни кўпайтириш бўйича «йўл харитаси» ишлаб чиқилди. Унда белгилаб олинган лойиҳалар ижроси ўз вақтида таъминланса, амалда бунга тўлиқ эришилади.

Хозирда республикаимиздаги мавжуд

тутзорлар уюшма тасарруфига ўтказилган. Тутзорлар маҳсулдорлигини ошириш мақсадида янги плантацияларни барпо этиш, мавжудларини тиклашда ҳам инновацион усул қўлланилмоқда. Нихоллар 0,90х0,20 схема бўйича гектарига 55 минг тулдан экилади. Хориждан келтирилган тут кўчатлари иссиқ ва совуқ ҳароратга чидамли, йилга уч-тўрт марта барг беради. Шу боис юртимизда тақдирий пилла етиштириш имконияти катта.

Яна бир эътиборли жиҳати шундаки, иш кластер усулида ташкил этилиб, пиллачилик мажмуалари қошида паррандачилик, асаларчилик, чорвачилик ва қуёнчиликни ривожлантириш, иккиламчи қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш имконияти пайдо бўлаяпти. Натигада ҳар бир пиллаҳонада 10 нафардан зиёд киши доимий, 80 нафарга яқини мавсумий ишга жалб этилади. Энди бунга тез орада фойдаланишга топшириладиган пиллаҳоналарда яратиладиган мингбала янги иш ўринларини ҳам қўшади ҳам бўлса, тармоқнинг қишлоқ аҳолиси бандлиги таъминланиши, даромад манбаи шаклланишида нечоғли катта рол ўйнашини тасаввур қилиш мумкин эмас.

ЙИЛИГА 1000 ТА ИННОВАЦИОН ПИЛЛАХОНА

Шу йилнинг ўзига мингта инновацион пиллаҳона бунёд этилиб, уларда мавсум давомида қамиди уч марта ипак курти парваришланади. Бу эса қайта ишлаш корхоналарининг сифатли хомашёга бўлган эҳтиёжини қондириш, экспорт ҳажминини кўпайтириш, пировардида пиллачилар моддий манфаатдорлигини оширишда қўл келади.

«Ўзбекипаксаноат» уюшмасида мамлакатимизда пилла етиштиришни кўпайтириш бўйича ишлаб чиқилган «йўл харитаси»га кўра, келгусида ипак куртини 3-4 марта парваришлаб, мўл ҳосил олиш мумкин. Тутзорларда паррандачилик ва асаларчилик, чорвачилик ва қуёнчиликни ривожлантириш, иккиламчи қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш имконияти юзага келади. Бунинг учун ҳар 5 гектар

тутзорда биттадан инновацион пиллаҳона барпо этилади.

Айни вақтда «Ўзбекипаксаноат» уюшмасида инновацион пиллаҳоналар қуриш ишлари қизғин бормоқда. Бизга маълум қилишларича, ҳар бир янги ишланма, инновацион ғоя пухта ҳисоб-китоблар асосида ҳаётга татбиқ этилмоқда.

2017 йилда Сурхондарё, Қашқадарё, Бухоро, Андижон ва Фарғонада 150 тадан

сини мослаштириб, тубдан қайта таъмирлаш, Хитойдан пиллани қайта ишлайдиган технологиялар келтириб ўрнатиш, 4 та цех ташкил қилиш режалаштирилган.

Ушбу цехлар жорий йилнинг шу чорағида ишга туширилади, бу эса 200 иш ўрни яратиш имконини беради. Бу ерда йилга 400 тонна пилла қайта ишланиб, ипак қалавасига айлантирилади. Энг муҳими эса экспорт ҳажми ошиб, валюта тушуми

рини қайта реконструкция қилиш, янгиларини барпо этиш кўзда тутилган. Лойиҳа уч босқичдан иборат бўлиб, 2021 йилда якунига етказилади. Лойиҳа тўлиқ амалга оширилган, 500 та янги иш ўрни яратилиб, йиллик экспорт қуввати 10 миллион долларни ташкил этади. Тайёр маҳсулотнинг асосий қисми экспортга йўналтирилади.

— «Пилладан бир йилда икки марта ҳосил оламиз», деганимизда шубҳа билан

ИННОВАЦИОН сифатли маҳсулот, экспорт

ортиқ ана шундай пиллаҳоналар қурилиб, фойдаланишга топширилди. Уларда йилга икки марта, Сурхондарё ва Бухоро вилоятларида хаттоки уч марта ипак курти боқилиб, мўл ҳосил етиштирилди.

Жорий йилда яна мингта, 2023 йилгача 10 мингта инновацион пиллаҳоналар қурилиб, тайёр маҳсулотлар экспорти бир миллион долларга етказилади. Президентимизнинг 2017 йил 29 мартдаги «Ўзбекипаксаноат» уюшмаси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори бу борада муҳим дастуруламал бўляётир.

КАФОЛАТЛИ ИШ ЎРИНЛАРИ

Яқинда Сирдарё туманидаги «Қамолот» маҳалласида барпо этилаётган ипак етиштириш ва қайта ишлашга ихтисослашган «Агроглобал» масъулияти чекланган жамияти заводи биноси пойдеворига тамал тоши қўйилди. Корхонанинг лойиҳа қиймати 5 миллион долларга тенг. Бу ерда пиллага ишлов беришдан тортиб, экспорт учун ипак мато ва кийим-кечак ишлаб чиқариш жараёни тўлиқ амалга оширилади. Биринчи босқичда «ноль» харид қийматида олинган собик 2513-автобаза бино-



Мурожаат ортидаги муаммолар улар қачон ҳал бўлади?


Жавоб излаётган саволлар

«Жавоб излаётган саволлар» рўқни орқали газетхонлар ўзларини қизиқтирган турли масалалардаги саволларига тегишли ташкилотларнинг жавоб ва муносабатлари билан танишиш имконига эга бўлмоқда. Қуйида мутасадди ташкилотларнинг навбатдаги жавоб хатлари эълон қилинаётир.

Янги ўқув йилида янги форма жорий этилади


Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги «Ўқувчи либоси қандай бўлиши керак?» деб номланган мурожаатга баён этилган масала (таълим даргоҳига ўқувчи қизларнинг рўмол ўраб келиши мумкин ёки йўқлиги тўғрисида)

юзасидан муносабатини билдирган. Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази директорининг биринчи ўринбосари Ф. Ризаев томонидан имзоланган жавоб хатига янги ўқув йилидан эътиборан касб-хунар таълими ўқувчиларининг кийиниши, ягона формага ўтиши билан боғлиқ масалалар қонуний ҳал этилишини таъкидлаган. Шунингдек, Халқ таълими вазирлиги ҳам худди шу мазмунда муносабат билдирган. Ҳар иккала вазирликнинг фуқаролар мурожаатига ўз вақтида эътибор қарапганини ижобий ҳол, албатта.



Телевизор орқали эшитиладиган радио

Фукаро К. Сафаровнинг «Ўзбекистон-24» радиоканалининг республика ҳудудида тўлиқ тарқатилаётгани тўғрисидаги мурожаатига Аxbорот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги жавоб хати йўллади. Унда қайд этилишича, мазкур канал эшитиришларини рақамли телевидение дастурлари ижтимоий пакети таркибида мамлакатимизнинг барча ҳудудларида тинглаш мумкин. Бошқача айтганда, радионинг телевизор орқали тинглаш имконини яратилган. Телеканал тапқил этилиши билан боғлиқ ҳужжатларда бу масаланинг ечими аслида қандай акс этган? Мазкур радиоканалнинг ҳудудлардаги мухбирлари ижоди, меҳнати қачон тўлақонли юзага чиқиши ҳақида эса жавоб йўқ. Бу эса радиотингловчиларда ҳам, мурожаатчида ҳам эътироз уйғотиши шубҳасиз. Келгусида ташкилотлар фуқароларнинг саволига батафсил ва эътирозга ўрин қолдирмайдиган жавоб йўллайди, деган умиддамиз.



ҳамда қайта ишлаш корхоналарига уч минг нафар мавсумий ишчи жалб этилди. Хомашининг кўпайиши, албатта, уни қайта ишлашни ҳам талаб этади. Жорий йилда уюшмада ип йигирув ва ипак мато ишлаб чиқаришга ихтисослашган қатор лойиҳалар амалга оширилди. Сирдарё, Хоразм, Жиззах, Бухоро вилоятларида барпо этилаётган корхоналар шулар сирасидандир. Тизимда ипак курти уруғи етиштириш бо-

доллар миқдориди экспорт қилиш имконияти борлиги ҳақида тўхталиб ўтган эди. Албатта, юртимизда бундай салоҳият мавжуд ва соҳада амалга оширилаётган ишлар кўлами ҳам кенг. Шу билан бирга тизимда қатор муаммолар мавжуд бўлиб, ипак курти уруғи етишмаслиги, озуқа базасининг камлиги, корхоналардаги технология ва ускуналарнинг эскиргани шулар сирасидандир.

лотлари ҳодимлари касаб уюшмасининг ҳудудлардаги фаоллари, туман-шаҳар кенгашилари томонидан янги ташкил этилаётган хусусий мулк субъектларида ишловчи ҳодимларнинг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий хисосияти таъминлаш борасида кўплаб ижобий ишлар амалга оширилмоқда. Президентимизнинг сазй-ҳаракатлари билан мамлакатимизда эркин иқтисодий ҳудудлар ташкил этилиб, инновацион лойиҳа-

монидан ушбу корхона раҳбарлари билан корхонани касаб уюшмаси хизматига олиш бўйича музокаралар ўтказилди. Шу жараёнда касаб уюшма ташкилотини тузиш бўйича корхонада меҳнат жамоасининг умумий йиғилиши ўтказилди. Мазкур қўшма корхона тармок касаб уюшмаси Қарши шаҳар кенгаши хизматига олинди. Тармок касаб уюшмаси Қарши шаҳар кенгаши томонидан бошлангич касаб уюшма кўмитасининг иш фаолиятини йўлга қўйиш учун амалий ва услубий ёрдам кўрсатилди. Шунингдек, касаб уюшмаси иш фаолиятига оид йўриқнома, услубий қўлланмалар, иш режа ва жамоа шартномасини тузиш бўйича амалий ёрдам кўрсатилди.

— Корхонада ишчилар учун муносиб меҳнат шароитлари яратишга ёрдам берилди. Яъни, ҳодимлар бепул тушлик билан таъминланди. Уларнинг соғлигини назорат қилиб бориш мақсадида тиббиёт хонаси ва шифокор ажратилди. Шунингдек, келгусида республикамиздаги тарихий шаҳарларга саёҳатлар уюштириш ҳам режалаштирилган, — дейди тармок Республика кенгашининг Қашқадарё вилояти бўйича мастўл ташкилотчиси Илхом Омонов.

Дарҳақиқат, юртимиз азалдан ипак маҳсулотлари билан дунёга маъшумот ва машхур бўлган. Кўпгина тарихий манбаларда юртимиз ипакчилар, хунармандлар юрти сифатида таърифланади. Ўтган йили ЮНЕСКО ўзбек шойи матолари — атлас ва адрасни тайёрлашининг қадимий технологиясини номоддий маданий меросни муҳофаза қилиш рўйхатига киритгани ҳам бежиз эмас, албатта. Эндикда эса ипакчилик сановати янги тараққиёт даврига қадам қўйди деб бемаълот айтиш мумкин.

Нурали ПАРДАЕВ, Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ҳодимлари касаб уюшмаси Республика кенгаши бош мутахассиси


ПИЛЛАХОНА — ва янги иш ўринлари

расида ҳам янги лойиҳалар амалиётга жорий этилмоқда. Улардан бири — Сурхондарё вилояти Ангор туманида Хитой билан ҳамкорликда ташкил этилган «Huashen Silkwool Pro» қўшма корхонасидир. Жорий йилда хитойлик ишбилармонлар билан ҳамкорликда ташкил этилган бу корхонанинг йиллик қуввати 100 минг қути ипак курти уруғини ташкил қилади. Айни вақтда 200 иш ўрни яратилган бўлса, келгусида маҳсулот етиштириш ҳажмининг ошиши ҳисобига 3 минг 700 дан ортиқ иш ўрни ташкил этиш мўлжалланмоқда.

Тизимдаги ишлар босқичма-босқич янада кенгайтириб борилади. Бу эса мамлакатимиз енгил сановатини сифатли хомашё билан таъминлаш, янги иш ўринлари яратиш ҳамда экспорт ҳажминини оширишга кўмак беради. Дарҳақиқат, соҳада янги босқич бошланди. Энг муҳими, пиллачилик тармоғи ишчилари ва пилла етиштириш билан шуғулланувчи касаначиларнинг қонун ҳужжатларида таъкидланган тўлиқ бир мавсум ишлаган даврлари пенсия тайинлаш учун бир йил меҳнат стажига ўтиши барчани қувонтирди. Президентимиз Шавкат Мирзиёев кишлоқ ҳўжалиги ҳодимлари кўни муносабати билан бўлиб ўтган байрам тадбирида мамлакатимиз шароитида пиллачилик тармоғида 500 миллион

— Ушбу муаммоларни бартараф этиш учун, аввало, 2020 йилгача ҳар бир ипак курти уруғи етиштирувчи заводда чет эллик инвестор иштироки таъминланади, — дейди уюшма раиси ўринбосари О. Жумаев. — 2021 йил ипак курти уруғини тўлиқ ўзимизда етиштиришга эришамиз. 2023 йилдан эса экспорт қилиш имкониятига эга бўламиз. Озуқа базасини кенгайтириш учун ўрма тутзорлар яратилмоқда. Ҳозирча Сурхондарёда тажриба учун 10 гектар майдонда тутзор ташкил этилди. Келгусида барча вилоятларда шундай тутзорлар барпо этилиши эвазига бир йилда ўз марта ҳосил олиш мумкин бўлади. Бу йил корхоналарда 60 дан ортиқ модернизация лойиҳаси бажарилди. Амалга оширилган бу каби чора-тадбирлар қисқа фурсатда ўз самарасини кўрсатди. Ҳозирга қадар хомашё экспорти билан шуғулланаётган корхоналар ўтган йилда 17 миллион доллар миқдорда ипак маҳсулотларини экспортга чикарди.

ИШЧИ-ХОДИМЛАР МАНФААТЛАРИ ТАЪМИНЛАНАЯПТИ
Ўзбекистон истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташки-



Ўз — 2018

Таътил мароқли ўтади

Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси томонидан Тошкент вилоятида ташкил этилган семинарда ўқувчи-ёшларнинг ёзги дам олиш мавсумини уюшқоқлик билан ўтказиш жараёни муҳокама этилди.

Касаба уюшмалари федерацияси мутасаддилари, ҳудудий Мувофиқлаштирувчи гуруҳлар раислари, маҳаллий ҳокимликлар раҳбарлари, тегишли вазирлик, идора ва бошқармалар мутасаддилари, стационар турдаги оромгоҳлар бошлиқлари ҳамда оромгоҳларда фаолият кўрсатувчи ҳодимлар иштирок этди. Касаба уюшмалари федерацияси мутасаддилари томонидан мавсум давомида барча турдаги болалар оромгоҳлари фаолиятини ташкил этиш, мазмуни ва қизқаркли дам олишни таъминлаш, малакали тиббий хизмат кўрсатиш, сифатли озиқ-овқат маҳсулотларини етказиб бериш, оромгоҳларда жамоат тартибни сақлаш ҳамда хавфсизлик масалаларини алоҳида эътибор қаратиш юзасидан тавсиялар берилди. Оромгоҳлар нафақат соғломлаштириш масаласи, балки ўғил-қизларини интеллектуал ривожлантириш марказлари сифатида фаолият кўрсатиши зарурлиги таъкидланди.

Семинарда қайд этилганидек, оромгоҳларда болаларнинг дам олишни ташкил этиш ва соғломлаштириш концепцияси талаблари асосида оромгоҳлар фаолиятини янада тақомиллаштириш юзасидан тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Соғломлаштириш ишларининг сифати ва болалар сонини оширилишига эришилди. Жорий йилда оромгоҳларда 301 минг 500 дан ортиқ болаларни соғломлаштириш режалаштирилган бўлиб, бу ўтган йилга нисбатан 7 минг 600 нафарга кўпдир.

Мамлакатимизда бу йил 1 минг 313 оромгоҳ фаолиятини йўлга қўйиш режалаштирилган. Бу юртимизда фаолият кўрсатувчи оромгоҳлар сони жорий мавсумда 23 тага кўпайганидан далолат. Улардан 206 таси стационар, 978 таси қуьдуги, 129 таси меҳнат ва дам олиш оромгоҳларидир.

Н.УСМОНОВА,
ЎЗА мухбири

Касаба уюшма ҳаёти

Иزلаниш самараси

«Қашқадархё ҳудудий электр тармоқлари»АЖ раҳбарияти томонидан Қарши шаҳар электр таъминоти корхонаси ҳодимаси Шахло Бўриевага ўтган йили икки тарафлама тузилган меҳнат шартномасини бекор қилиш тўғрисида огоҳлантириш хати юборилди. Ундаги икки ойлик муддат тугагандан сўнг Ш.Бўриева билан жамяят ўртасида тузилган меҳнат шартномаси 2017 йил 17 августдаги 627-б-сонли буйруққа мувофиқ бекор қилинди.

Шундан сўнг Шахло Бўриева жамяятга келиб, уч ёшга тўлмаган боласи борлигини билдирди. Иш берувчи Меҳнат кодексининг 237-моддаси талабига асосан меҳнат шартномасини бекор қилиш тўғрисидаги буйруқни бекор қилди. Штат бирлигини қисқартириш масаласи эса ҳодимнинг фарзанди уч ёшга тўлганидан сўнг қайта кўриб чиқилиши белгилаб қўйилди. Нихоят, ўша кун келди. Шахло Бўриеванинг фарзанди жорий йилнинг 21 февраль кўни уч ёшга тўлди. «Энди у ишсиз қолдим?», деганлар алашинишди.

«Қашқадарё ҳудудий электр тармоқлари»АЖ касаб уюшма кўмитаси раиси Баҳодир Тошпўлатов раҳбарлигида ўтган кўмита йиғилишида мазкур масала кўриб чиқилиб, Шахло Бўриеванинг ишсиз қолишига йўл қўйилмади. Унга Фувор тумани электр тармоқлари корхонасидаги бўш турган хисобчи лавозимни таклиф этилди. Ходима бунга рози бўлди. Айни пайтда у меҳнат фаолиятини шу ерда давом эттирмоқда.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, касаб уюшма кўмитаси аралашуви билан жорий йилнинг биринчи чорагида яна тўрт нафар ҳодим билан меҳнат шартномасининг бекор қилинишига йўл қўйилмади.

— Жамяятда меҳнат қилувчи 2268 нафар ҳодим, 500 нафардан ошқ пенсиядаги фахрийнинг ижтимоий-иқтисодий манфаати касаб уюшма эътиборида, — деди «Ўзбекэнерго»АЖ фахрийлар кенгаши раиси Абдураим Каримов. — Яқинда ўн нафар меҳнат фахрийси касаб уюшма томонидан эсдалик совғалари билан тақдирланди. Бундан ташқари, 44 нафар фахрий Самарқанд шаҳрига саёҳат қилди.

«Қашқадарё ҳудудий электр тармоқлари»корхонаси касаб уюшма кўмитаси фаолиятини кўпчилик мамнун. Бу эса уюшма ҳодимларини янада изланишга ундамоқда. Изланиш бор жойда эса ривожланиш бўлади.

Акmal АБДИЕВ,
«Ishonch» мухбири

«1

— Бошимни қотирмасдан уйимдан чиқиб кетинглар. Уй — шахсий ҳудуд ҳисобланади...

Хонадон соҳибининг ўз ҳуқуқини яхши билишига амин бўлди ва у билан хайр-хўшчи насия қилиб, оптимизмга қайтди.

Кейинги пайтларда шунга ўхшаш воқеаларга тез-тез гувоҳ бўлиш мумкин. Бунинг сабаби нима? Юртодошларимиз орасида ҳуқуқини таниб, бурчини унутганлар кўпайиб кетмаётганими? Бу ҳақида сўз борганда беихтиёр машҳур рус шоири Александр Пушкиннинг балиқчи чол ва тилла балиқ ҳақидаги шеърини эртаги эсга тушади. Бу бежизга эмас. Чунки давлат томонидан оддий одамларга ҳеч қачон бугунгидай эътибор ва имтиёзлар берилмаган. Бундан кўпчилик хурсанд бўлса, айримлар гантиб қоляпти. Эртақдаги тилла балиқ тутиб олган чолнинг кампирига ўхшаб нафис ҳақалак отиб кетатганлар ҳам кам эмас. Баъзи бировлар эътибор вақтинчалик бўлиши мумкин деб ўйлаганиданми, давлат бераётган пайтда олиб қолишим керак деган фикр билан турли баҳоналарни рўқач қилиб, ёрдам устига ёрдам сўрашяпти. Ваҳоланки, давлатнинг халқ олдидаги мажбуриятлари бўлганидек, фуқароларнинг ҳам давлат олдида бурчи ва мажбуриятлари бор. Бироқ айрим инсонлар бундан тан олмаси келмайди. Аниқроқ айтганда, «Мен давлат учун, ватаним учун нима қилдим?» деган саволга ҳамма ҳам жавоб излайвермайди. Қолаверса, давлат учун ишламаган тақдирда ҳам инсон ҳеч бўлмаганда ўзи учун ҳаракат қилиши, ўз ҳаётининг эгасига айланиб, чиройли турмуш кечиришга интилиши керак эмасми?

Гулчехра опа узок йиллар нуфузли идораларда меҳнат қилган. Нафақатга чиққач, хусусий идорада фаррошлик қила бошлади. Унга баъзи бировлар «Сизга нима зарур, нафақангизни олиб ўтираверсангиз бўлмайдингиз, ахлат тозалашга уялмайсизми?» дея дашном беришди.

— Нега энди уялишим керак? — деди бунга жавобан Гулчехра опа. — Меҳнат қилишнинг нимаси ёмон? Биринчидан, соғлом бўламан, иккинчидан, уйимга бир-икки сўм пул олиб келаман. Атрофини озода, саранжом қилиб қўйиш савоб-куй?

Афсуски, ҳамма ҳам Гулчехра опа каби фикрламайди. Айримлар қуни бўйи кўчада ўзига ўхшаган бекорчилар билан ўт-

ган-кетганнинг ғийбатини қилиб ўтирсан-ўтирадики, бирон касб ё ҳунар эгалигини тутиниш истамайди. Бундан тақдир қилинаётган турли жамоатчилик ишларини рад қилаётганлар мисолида ҳам кўриш мумкин. Бундайларни тингласангиз, нукул жамият ва ҳаётдан нолийди. Иқтисодий аҳоли танглиги, ҳеч қим кўмак бермаслиги ҳақида дийдиё қилади. Ваҳоланки, тўрт мучаси соғ бўла туриб бирон иш қилиши ўзига эп кўрмайдиган кишининг

айтганда, ош бўлсин-у иш бўлмасин! Баъзилар учун ундан ҳам яхшиси — ишласдан даромад олиш.

Яқинда бир гуруҳ эҳтиёжмандларга маиший техника жиҳозларини топириш тадбирида иштирок этдим. Аксарият юртодошларимиз ушбу эътибордан мамнун эканини кўзда ёш билан эътироф этишди. Бундай совғалар уларнинг огирини енгил қилиши шубҳасиз. Бироқ беш бармоқ баробар эмас. Тадбирдан сўнг бир аёл туман

ради. Шу аёлнинг ўн-ўн икки яшар ўгли бор. Аммо аёл ўғлига молларни сугоришни топирирмайди. «Ўсиб келаётган бола, бирон жойини огримасин» деб уни аяйди. Ўзи тонг қоронғусида уйғонса-да, боласини чош-гоҳгача уйғотмайди. Оқибатда ўсмир шу тахлитда вояга етади. Иш шу даражага борадики, ҳатто онасига бир пиёла чой дамлаб беришга ҳам ақли етмайди. Қўлидан биронта юмуш келмайди. Шаҳардаги аҳоли эса ундан-да багътар. Она эшикни қўлфлаб ишга

эътиборни қучайтириш лозим. Асосийси эса инсоннинг ўзида чиройли турмуш кечиришга иштиёқ бўлиши керак.

Бир зиёли оила соҳибларини биламан. Оила бошлиғи университетда ўқитувчи, бекаси эса шифокор. Улар уйда оиланин корхона очинишган. Ушбу корхонада турли пишириқлар тайёрланади. Ишдан қайтгач, оила аъзолари жам бўлиб турли пишириқлар пиширишади. Эрталаб барвақт уйғониб, маҳсулотни савдо шохобчаларига топшириб, ўз ишларига кетишади. Оиланин яшаш шароитига кўпчилиكنинг ҳаваси келади. Ваҳоланки, улар ҳам кўпчилик каби фақат маош билан қаноатланиб яшаш мумкин эди. Чиройли турмуш кечиришга бўлган иштиёқ оила аъзоларини бирдамликка, меҳнатсеварликка, тadbirkorликка ундади.

Академик шоир Гафур Ғуломнинг «Тақдирин қўл билан яратур одам, Ғойибдан келажак бахт бир афсона» деган сатрларини кўпчилик яхши билса керак. Бу сатрлари билан шоир инсонларни ижодкорликка, интилувчанликка даъват қилмаганими? «Олма пиш, оғзимга туш» қабилидаги ёндашулардан йироқ бўлиб, ҳаётни севишга, қадрлашга, олдига ҳаракат қилишга ундаётганими?



Қуни кеча Андижон вилоятига таширифи чоғида давлатимиз раҳбари ҳар бир оилада тadbirkorликни йўлга қўйиш ҳоясини илҳами сурди. Дарҳақиқат, оила аъзолари аҳил-иноқ бўлиб, бир-бирини қўллаб-қувватласа, меҳнатдан қочмаса, тadbirkorликни йўлга қўйса, бундан ўзи ҳам, жамият ҳам фойда қўради.

Давлатимиз соҳа ривожига уякан эътибор қаратган. Тўғри, ҳамма ҳам катта бизнесни йўлга қўя олмаслиги мумкин. Бироқ тadbirkorлиكنинг турлари кўп. Тикувчилик, тўкувчилик, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш, қайта ишлаш, маиший техникаларни таъмирлаш, савдо-сотиқ ва ҳоказо. Бу каби соҳаларда муваффақиятга эришадиган юртодошларимиздан ибрат олсак, ҳаракат қилсак, шунинг ўзи кифоя. Ахир, қўлни кўрган инсонлар бежизга «Инсон қилган ишни инсон қилади» деймади-ку? Кимнингдир қўлидан келган иш бошқанидан ҳам келади. Дангасаликни бироз чегга суриб қўйсақ, орзуларимиз албатта ушалади. Эртақдаги сингари тилла балиқчадан нажот қутиб ўтираверсак, қуниимиз тешик тоғорага қўлиб кетиши мумкин. Бундан ҳеч қачон унутмаслигимиз лозим.

Муҳаббат ТўРАБОЕВА
«Ishonch»



Рамазон — барака ойи

Ислом дини беш асос устида қурилган бўлиб, шулардан бири закот ибодатидир. «Закот» сўзи луғатда бир неча маънони ифода қилади. Булардан энг муҳимлари: покляниш, ортиш, ривожланиш. Истилоҳда эса белгиланган миқдордаги молни маълум шартларга биноан, уни олишга ҳақдор бўлган кишига беришдир.

Закот — молиявий ибодат

Закот бериш молиявий имконияти бор мусулмон кишига Аллоҳ таоло томонидан фарз қилинган амал. Закот Қуръони Каримнинг йигирма етти ўрнида намоз билан баробар зикр қилинган. Закот оятни қарима ва Пайғамбаримиз алайҳиссаломнинг қўллаб ҳадислари ила фарз бўлган. Шунинг учун ҳам закот молиявий ибодат ҳисобланади.

Ҳақ таоло марҳамат қилиб айтдики: «Уларнинг молларидан садака (яъни, закот) ол. Бу билан уларни поқлайсиз, тозалаясиз» («Таъба» сураси, 103-оят). Демак, умумий маънода закот туфайли закот берувчи ўз молларига ҳақдорларнинг мол аралашиб қолганидан сақланади ва гуноҳларидан поқланади.

Закотда ибодат маъноси билан бирга улут инсоний ғоялар, ахлоқий тавсиялар ва маънавий қадриятлар ҳам мужассас бўлган. Закот уни берувчиси ҳам, олувчиси ҳам, улар яшаб турган жамият аъзолари ҳам қўллаб дунёвий ва ухровий манфаатлар келтиради. Закотдан асосий мақсад инсонни молу дунёдан устуи қўйиш, инсон деган улут зот дунёнинг қули эмас, балки мол дунё инсон қули эканини таъкидлашдан иборат.

Закот бериш Аллоҳ таоло инсонларга берган нисматларига шукр қилиш демакдир. Имом Ғазолий шундай дейди: «Аллоҳ таоло ўз бадиасига жон нисмат ва дунё нисматини берган. Бадан ибодатлари жон нисматининг шукридир. Молиявий ибодатлар эса дунё нисматининг шукридир».

Закотнинг жорий этилиш ҳикмати пуддан иборатки, у туфайли жамиятда бир қадар тенглик пайдо бўлиб, бой ва эҳтиёжмандлар ўртасида илқ муносабатларни яхшида келтириш, қолаверса, закот берувчининг молни поқлаб, уни талафотдан асраш ва яна ҳам қўлайишга замин тайёрлашдир.

Маълумки, закот муайян миқдордаги маблагга эга бўлган мусулмоннинг зиммасига фарз бўлади. Закотни вожиб қилувчи муайян миқдор шариат тилла «нисоби» дейилади. Закот тилла ва қумуш, пул, мева ва деҳқончилик маҳсулотлари ҳамда чорва молларидан берилади. Закот бериладиган молнинг нисоби Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам томонларидан қатъий белгиланган.

Тилланнинг нисоби (85 гр.) 20 мисқол бўлиб, ундан (2,5 гр) 0,5 мисқол закот учун ажратилади. Яъни, кирқдан бири демакдир. Закот вожиб бўлиши учун юқорида айтиб ўтилган нисоб миқдори мавжуд бўлиши ҳамда шу нисобга бир йил тўлиши керак. Закот миқдори хар йил ҳисобида диний идора томонидан расман эълон қилинади. Закот бериш орқали мўмин-мусулмонлар зиммаларидаги фарзни адо этишади.

Зулфия ХОЛМУХАММЕДОВА тайёрлади.

«Наврўз» дам олиш
уйишга тақлиф этамиз!

Реклама

Агар Сиз мусаффо тоғ ҳавосидан тўйиб-тўйиб нафас олмақчи, баланд чўққилардаги қор ва сувнинг тўлқинланишидан завқланмоқчи ёки ҳовузда маза қилиб чўмилмоқчи бўлсангиз, «Toshkent univertagi» акциядорлик жамиятига қарашли «НАВРЎЗ» дам олиш уйига тақлиф этамиз. Дам олиш уйи Тошкент вилояти Бўстонлик туманининг «Янгиқўрган» қишлоғидаги «Чорвоқ» сув амборининг ҳушманзара қирғоғида жойлашган.

Бу ерда кўп қаватли турар-жой бинолари ва ошхона дам олувчилар хизматида. Бундан ташқари, марокли дам олиш учун барча шароит яратилган мазкур масканда сауна, бильярд зали, спорт майдони, кутубхона, мусикали фаввора, болалар майдончаси, кинозал мунтазам ишлаб турибди. Бу ердаги мўъжизавий табиатдан ҳайратланган дам олувчилар унутилмас таассуротлар билан қайтишларига ишончимиз қомил. Сизларни кутамиз!

Дам олиш уйига йўлланмалар харид қилиш масаласида Тошкент шаҳри, Ислом Каримов кўчаси 17-уйда жойлашган «Toshkent univertagi» АЖнинг бухгалтериясига (3 қават) мурожаат қилишингиз мумкин.

Йўлланма баҳоси: Оддий номерларда бир кунга бир кишига — 120 000 сўм; қўшимча қулайликларга эга номерларда бир кунга бир кишига — 175 000 сўм. Мурожаат учун телефон: 233-50-23; 233-41-50.

Ҳар йили ёнғинлар туфайли қанчадан-қанча давлат ва халқ мулки қулга айланмоқда. Бепарволик, масъулиятсизлик, хавфсизлик қондаларига амал қилмаслик туфайли моддий ва маънавий зарар миқдори кишини ўйлантириб қўйиши аниқ.

Ўт балосидан эҳтиёт бўлинг!

Жорий йилнинг ўтган тўрт ойида Миробод туманида 21 та ёнғин содир бўлди. Натижада 3 нафар киши турли даражада куйиш тан жароҳатини олди. Бир нафар фуқароннинг ҳаёт шами ёнғин туфайли ўчди. Содир бўлган ёнғинлар электр

ускуналарнинг носозлиги, улардан фойдаланишда ёнғин хавфсизлиги қондаларига риоя қилмаслик оқибатида келиб чиққан.

Халқимиз бойлиги бўлган мол-мулкларни, муҳими, энг бебаҳо ҳисобланган инсон ҳаётини ёнғиндан асраш — барчаннинг бур

чидир. Бунинг учун ёнғин хавфсизлиги қондаларига тўлиқ риоя қилиш, зарур чора-тадбирларни кўриш, давлат ёнғин назорати томонидан текшириш мобайнида аниқланган барча камчиликларни ўз вақтида бартараф этиш лозим. Зеро, ҳамиша хушёр бўлиб, ёнғин хавфсизлиги қондаларига риоя этилгандагина нохушиларнинг олдини олиш мумкин. Бу ишга кенг жамоатчилик ҳам диққат-эътиборни қучайтиса, ёнғин ҳолатлари янада қамайиши шубҳасиз.

Пешона тери эвазига топиладиган мол-мулкнинг бир неча сонияда қўққа совирилиб, фожиа қурбони бўлиши десангиз, олов билан ўйнашманг!

Бегали ЖўРАЕВ,
Миробод тумани ЕХБ
бошлиғи ўринбосари

Реклама

«Чотқол тоғ ён бағридаги яшил ўрмонлар бағрида жойлашган «Геолог» ёзги болаларни соғломлаштириш оромгоҳида йўлланмалар сотуви бошланди.

Ёзги мавсум 15 кундан 3 навбати бўлади. Мавсум бошлангани — 23.06.2018 й., тугаши — 10.08.2018 й.

Манзил: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси 7-«а» уй.
Тел: 241-54-70, (90) 939-58-72. Факс: 241-97-74.

МУАССИС:

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

2007 йил 11 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 116-рақам билан рўйхатга олинган.

Бош муҳаррир:
Ҳусан ЭРМАТОВ

Бўлимлар:
Касаба уюшмалари ҳаёти — 256-87-63
Ҳуқуқ ва халқро ҳаёт — 256-64-69
Миллий-маънавий қадриятлар ва спорт — 256-82-79
Халлар ва муҳбирлар билан ишлаш — 256-85-43
Электрон нашр ва АКТ — 256-87-73

www.Ishonch.uz сайти орқали Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари, энг сўнгги янгиликлар, таҳлилий, танқидий мақолалар, хабарларнинг тўлиқ матни билан танишингиз мумкин.

Манзилимиз:
100165, Тошкент шаҳри,
Бухоро кўчаси, 24-уй.
E-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Газета ҳафтанин сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади.
Газета «Ishonch»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Sharq» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида chop этилди. **Қорхона манзили:** Буюк Тўрон кўчаси, 41-уй.

Таҳририят ҳисоб рақами:
2021 0000 0004 3052 7001,
АТИБ «Iprotaka bank» Яшнобод филиали,
банк коди: 00959, СТИР: 201133889, ОКД: 58130

Ҳудудлардаги муҳбирлар:
Қорақалпоғистон Республикаси — (+998-91) 268-92-32
Андижон — (+998-91) 475-23-60
Бухоро — (+998-93) 653-50-81
Жиззах — (+998-91) 943-67-44
Наманган — (+998-90) 260-50-77
Навоий — (+998-93) 314-13-03
Самарқанд — (+998-97) 915-50-87
Сирдарё — (+998-90) 610-95-55
Сурхондарё — (+998-91) 233-69-07
Фарғона — (+998-90) 991-55-71
Хоразм — (+998-90) 719-48-00
Қашқадарё — (+998-91) 467-30-01

«Ishonch»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.
Муаллифлар фикри таҳририят тўғрисида назаридан фарвланиши мумкин.

Навбатчи муҳаррир:
А. Тошев
Навбатчи:
Н. Маҳамов
Мусаввир:
С. Шодиева
Саҳифаловчи:
Ҳ. Абдувалилов

Босишга топириш вақти: — 23:20
Топириш — 23:40
12 56

Газета офс: усулида, А-2 форматда босилди. Ҳақми 2 босма табоқ, Бюрогма Г — 509.
31508 нусхада босилди.
Навр кўрсаткичи: **133**